

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Yu.23.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЕРНИЯЗОВА САРБИНАЗ МУСАЕВНА**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТАН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИ ВА  
ВАЗИРЛАР КЕНГАШИ ЎЗARO МУНОСАБАТЛАРИНИНГ  
КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.  
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**юрдик фанлар бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (PhD) диссертации**

**Content of the Doctoral (PhD) Dissertation Abstract**

**Ерниязова Сарбиназ Мусаевна**

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенеси ва Вазирлар  
Кенгаши ўзаро муносабатларининг конституциявий-ҳуқуқий  
асослари .....3

**Ерниязова Сарбиназ Мусаевна**

Конституционно-правовые основы взаимоотношений между Жоқарғы  
Кенесом и Советом Министров Республики Карақалпақстан .....24

**Erniyazova Sarbinaz Musaevna**

Constitutional and legal framework of the relations between Jokargy Kenes  
and the Council of Ministers of the Republic of Karakalpakstan.....45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....49

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017. Ҳу.23.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЕРНИЯЗОВА САРБИНАЗ МУСАЕВНА**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТАН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИ ВА  
ВАЗИРЛАР КЕНГАШИ ЎЗARO МУНОСАБАТЛАРИНИНГ  
КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.  
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Үи183 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://www.dba.uz/uz/tadqiqotchilarga/ilmij-kengash>) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим тармоғида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Саидов Акмал Холматович**, академик, юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Турсунов Ахтам Саломович**  
юридик фанлари доктори, профессор

**Халимов Хакимбай Аширович**  
юридик фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:** **Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси харбий-техник институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc 27.06.2017. Үи 23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил 22 февраль соат 15<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент ш., Ислоҳ Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-60-80; факс: (998971) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (29 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент ш., Ислоҳ Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-61-25).

Диссертация автореферати 2019 йил 8 февралда тарқатилди.  
(2019 йил 8 февралдаги 11 рақамли реестр баённомаси).

**О.Т.Хусанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**А.Э. Йўлдошев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар номзоди

**И.Т. Тультеев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё мамлакатларининг ўзига хос бўлган давлат бошқаруви хусусиятидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, давлат ҳокимияти тизимининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи бирмунча мураккаб механизмга эга. Хориж амалиёти таҳлили қонун чиқарувчи ҳокимият тизимида парламент назоратининг турли моделлари ва шакллари мавжудлигидан далолат берса-да, бошқарув шаклларида қатъи назар барча ривожланган ва ривожланаётган давлатларда давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқларига нисбатан қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг кенгроқ ваколатларга эга эканлиги унинг ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишида муҳим ҳисобланади.

Бутунжаҳон ҳуқуқ тизимида бевосита давлат ҳокимияти ва бошқаруви тармоқларининг ўзаро муносабатлари масалалари айнан қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари ўртасидаги ваколатлар тақсимоти ҳамда мазкур жараёнларда уларнинг иштирок этишининг қонунчилик тизимини янада такомиллаштириш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Халқаро миқёсда юридик соҳада тегишли тартибда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳуқуқий мақоми, улар ваколатлари тақсимотида доир илмий тадқиқот ишлари бажарилган университетлар, давлат ҳуқуқи ва бошқаруви соҳаси тадқиқ қилинган юридик илмий марказлар томонидан олиб борилаётган тадқиқотларда асосий эътибор бундай ўзаро муносабатларни тартибга солишга оид халқаро стандартларни янада такомиллаштириш, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тизимида соҳага оид қонунчиликни мунтазам ривожлантиришга қаратилганлигини кўришимиз мумкин.

Мамлакатимизда давлат мустақиллигининг қўлга киритилганидан кейинги ўтган давр мобайнида давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштириш, демократик ҳуқуқий давлатни шакллантиришда давлат ҳокимиятининг бўлиниши конституциявий принципини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, ҳокимиятнинг турли соҳалари, хусусан, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасида чегара ва мувозанатни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, мамлакатни модернизациялаш, жамиятни ислоҳ қилиш ҳамда демократлаштиришни таъминлашда муҳим роль ва масъулият Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатига юклатилган. Шу муносабат билан, барча соҳаларда Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунининг амалдаги ижросини мониторинг қилиш, шунингдек, ушбу соҳада ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва жорий этиш юзасидан вазифалар юклатилган<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб ҳақимиз билан бирга курашимиз//Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. 2016 йил 14 декабрь. -"Народное слово", 20 декабря 2016 г.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 8 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5185-сон фармонлари, Қорақалпоғистон Республикасининг 2016 йил 10 июндаги «Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси регламенти тўғрисида»ги, 2016 йил 21 сентябрдаги «Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси тўғрисида»ги, «Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши тўғрисида»ги қонунлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика ва фан технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг Ф1. «Жамиятнинг ривожланиши, давлат ва ҳуқуқ назарияси, иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мазкур тадқиқот иши билан боғлиқ давлат ҳокимияти ва бошқарувининг назарий-ҳуқуқий ва ташкилий масалалари, ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципни амалга ошириш муаммолари, ҳокимиятлар тармоқлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимиятнинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ масалалар, уларнинг ҳокимиятлар бўлиниши тизимидаги роли, вазифалари ва фаолият доираси А.Азизхўжаев, М.Ахмедшаева, С.Адилходжаева, Ш.Аббосхўжаев, М.Бойдадаев, З.Воҳидов, З.Исламов, Э.Каспаров, Г.Маликова, М.Миракулов, А.Раҳманов, Ф.Раҳимов, И.Хамедов, О.Ҳусанов, А.Ҳошимов каби ҳуқуқшунослар томонидан ўрганилган.

Диссертация иши мавзусига доир бевосита Қорақалпоғистон Республикаси материалларида назарий-ҳуқуқий характердаги тадқиқот ишларини ҳуқуқшунос олимлардан Е.Д.Қутыбаева, С.Д.Ниетуллаев, М.Утемурастовлар томонидан олиб борилган.

Хорижий давлатлар олимларидан С.Авакьян, К.С.Бельский, М.В.Баглай, Д.Ашаев, Э.Гаджи-Заде, Ж.П.Жакке, А.Ж.Истаев, В.Лузин, И.Марино, В.Маклаков, А.А.Смолякова, А.Токвилль, В.А.Увачев, И.Филиппов, А.Черкасов, В.Чиркин, Ж.Л.Шабо, А.Шеян<sup>1</sup> ва бошқаларнинг асарларида президентлик ва ҳуқуқат институтларининг фаолияти, ваколатлари ва вазифалари, ижро ҳокимиятида давлат раҳбарининг ўрни, улар ўртасида у ёки бу соҳаларда вужудга келадиган муносабатларнинг айрим жиҳатлари чуқур ўрганилган.

Қорақалпоғистон Республикасида давлат суверенитети қўлга киритилганидан сўнг, унинг олий қонун чиқарувчи органининг ҳуқуқий мақоми, республика олий ижроия органи билан муносабатлар масалалари

---

<sup>1</sup> Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

амалда тадқиқ қилинмаган. Совет даврида Қорақалпоғистон давлат қурилишининг муайян масалаларига бир нечта илмий ишлар бағишланган. Булар С.Татибаев ва Д.Ниязовларнинг Россия Федерация таркибидаги қорақалпоқ мухториятининг ҳуқуқий мақомига бағишланган номзодлик диссертацияларидир<sup>1</sup>, Т.Кулумбетовнинг – Қорақалпоғистон АССР Олий Кенгесининг фаолиятини ташкил этиш<sup>2</sup>, Л.М.Ахунжановнинг монографияси эса миллий қорақалпоқ халқининг давлатчилигига бағишланган<sup>3</sup>.

Қорақалпоғистон Республикасининг давлат суверенитети қўлга киритилгандан сўнг С.Д.Ниетуллаевнинг монографияси чоп этилди, унда республикада давлат қурилиши масалалари ёритилди<sup>4</sup>. Ушбу тадқиқот ишида умумий шаклда бошқа давлат органлари билан биргаликда ваколатли ҳокимият органлари таҳлил қилинган.

Е.Д.Кутыбаевнинг ишида эса умумий шаклда ижро этувчи органларни шакллантириш ва ривожлантириш масалалари билан бир қаторда Қорақалпоғистон Республикасининг давлат ҳокимияти вакиллик органлари билан муносабатлари таҳлил қилинган<sup>5</sup>.

Адабиётларни ўрганиш Қорақалпоғистон Республикасининг янги давлатчили, ҳокимият институтлари, жумладан, олий қонун чиқарувчи органи ҳамда ҳукуматни шакллантириш ва ривожлантириш, улар ўртасидаги муносабатлар шакллари янги шароитларда конституциявий тартибга солиш масалалари алоҳида монографик ўрганишни талаб қилади, деган хулосага келиш мумкин.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ давлат университетиде давлат илмий-техника дастурлари доирасида 2012-2016 йилларда бажарилган Ф-1-79 «Жамоатчилик назорати тизимида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ваколатларини кенгайтириш муаммолари» лойиҳаси доирасида амалга оширилган илмий тадқиқот режасига киритилган. Жумладан, мазкур диссертация иши режасига кўра, ушбу лойиҳа доирасида ҳокимият тармоқлари ваколатларини босқичма-босқич номарказлаштириш, хусусан, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик назорати тизимидаги ваколатларини кенгайтириш борасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгашининг иштироки ва мазкур жараёнларни тартибга солишда уларнинг ролига ҳуқуқий жиҳатдан баҳо берилган.

---

<sup>1</sup> Татибаев С.У. Образование и развитие ККАССР 1932-1937 гг. Автореферат дисс. ...канд. ист. наук.-Ташкент, 1959; Ниязова Д. А. Создание и развитие Каракалпакской автономии в составе РСФСР в 1924-1937 гг.- Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. –М.: МГУ, 1985.

<sup>2</sup> Кулумбетов Т. Верховный Совет ККАССР – высший орган государственной власти ККАССР. –Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Ташкент: Изд. АН УзССР, 1962.

<sup>3</sup> Ахунджанов М.М. Становление и развитие национальной государственности Республики Каракалпакстан. –Ташкент: Ўзбекистон, 1992.

<sup>4</sup> Ниетуллаев С.Д. Государственное строительство в Республике Каракалпакстан. –Нукус: Каракалпакстан, 1993.

<sup>5</sup> Кутыбаева Е.Д. Органы исполнительной власти Республики Каракалпакстан. –Нукус: Каракалпакстан, 2002.

**Тадқиқотнинг мақсади** Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесини ташкил этиш ва фаолиятининг назарий асосларини ўрганиш;

Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти тизимида Вазирлар Кенгашининг ўрни ва ролини ифодалаш;

Қорақалпоғистон Республикаси олий қонун чиқарувчи органи ва ҳукумати ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг шакллари таҳлил қилиш;

олий ижро этувчи ҳокимият органини шакллантириш ва унинг жавобгарлигини таъминлашда республика олий қонунчилик органининг иштирок этиш имкониятларини ўрганиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг назорат функцияларини таҳлил қилиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши фаолияти устидан парламент назорати механизмида конституциявий-ҳуқуқий жавобгарликни белгилаш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши фаолияти устидан парламент назоратининг ҳуқуқий табиатини, тушунчаси, мақсади ва асосий тамойилларини ўрганиш;

хорижий мамлакатлардаги ҳукуматнинг фаолияти устидан парламент назорати амалиётини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Қорақалпоғистон Республикасида давлат ҳокимиятининг олий қонун чиқарувчи органи фаолияти ва унинг республика ҳукумати билан муносабатларига алоқадор ижтимоий муносабатлардан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгашининг шаклланиши, фаолият кўрсатиши, шунингдек, улар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг шакллари тартибга солувчи қонунчилик нормалари ҳамда уларни қўллаш амалиёти ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот давомида таҳлил этиш, умумлаштириш, дедукция, диалектик усул, умумий ва алоҳида жиҳатларни таққослаш, тизимли таҳлил каби умуммиллий усуллар, шунингдек қиёсий ҳуқуқшунослик, ҳуқуқий моделлаштириш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ҳокимият тармоқлари фаолиятини конституциявий тартибга солишнинг бугунги кун шароитида бевосита Қорақалпоғистон Республикаси олий қонун чиқарувчи органининг ҳукумат билан ўзаро ички ҳамкорликдаги ва ташқи муносабатлари шакллари, хусусан, ушбу ҳокимият тузилмалари ҳуқуқий мақомининг аниқ доираси, улар ваколатларини амалга оширишнинг янада соддалаштирилган тартиб-таомилларини яратиш зарурати асосланган;



Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига, «Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси регламенти тўғрисида»ги, «Парламент назорати тўғрисида»ги, «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тўғрисида»ги қонунларга қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада аниқ йўналтирилган тарзда ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилган ҳамда айнан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши мисолида уларнинг ўзаро муайян ваколатлари тақсимоли нуктаи назаридан тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш асослантирилган;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Вазирлар Кенгашининг раисига ишончсизлик билдириш, шунингдек, Жўқорғи Кенгес томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳокимлар ҳисоботини эшитиш таклифи, ижро ҳокимияти органларининг муайян мансабдор шахсларини лавозимидан озод этиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги нормаларни Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларига киритиш таклифи асослаб берилган;

Жўқорғи Кенгес Раисининг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш мақсадида унга мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим масалаларини кўриб чиқишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши мажлисларига раислик қилиш, шунингдек, «вето» билдириш ҳуқуқини Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларида акс эттириш асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

«Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси тўғрисида», «Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгес Регламенти тўғрисида», «Парламент назорати тўғрисида», «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тўғрисида»ги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга доир таклифлар, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг назорат ваколатларини амалга оширишнинг самарали механизмларини яратиш, Жўқорғи Кенгес ва сиёсий партияларнинг Вазирлар Кенгашини шакллантиришдаги иштирокининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида Жўқорғи Кенгес билан Ҳукуматнинг ўзаро муносабатларини такомиллаштиришга хизмат қиладиган Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига ўзгартиришларни киритиш жараёнида Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти олий органларини ислоҳ қилиш бўйича таклифлар асосланган;

Вазирлар Кенгаши Раиси лавозимига номзод Жўқорғи Кенгеснинг мажлисида унинг номзоди кўриб чиқиладиганда ва тасдиқланаётганда Вазирлар Кенгашининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этиш тўғрисидаги нормаларни «Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси тўғрисида»ги Қонунга киритиш тўғрисидаги, Жўқорғи Кенгес ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ўртасида юзага келган келишмовчиликларни ҳал қилиш жараёнида пайдо бўладиган муносабатларни ўзаро ҳамкорликда конституциявий

даражада тартибга солиш зарурлиги тўғрисидаги, Вазирлар Кенгаши Раиси номзодини Жўқорғи Кенгеснинг Раисига энг кўп депутатлик ўринларини олган сиесий партия ёки тенг микдордаги энг кўп депутатлик ўринларини эгаллаган бир нечта сиесий партиялар тақдим этиши тўғрисидаги таклифлар асосланган;

«Давлат ва ҳуқуқ тарихи», «Конституциявий ҳуқуқ», «Маъмурий ҳуқуқ», «Парламент ҳуқуқи» каби давлат-ҳуқуқий фанларнинг илмий ва назарий асосларини ривожлантиришга қаратилган назарий таклифлар асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда фойдаланилган ахборот базасининг тўғрилиги ва ишончлилиги ваколатли органлар томонидан тасдиқланган расмий, илмий ва ўқув-методик адабиётлар, шунингдек, статистик маълумотлар билан белгиланади. Тадқиқот натижалари миллий ва хорижий етакчи нашрларда синовдан ўтказилиб, чоп этилган. Натижаларнинг қиймати ваколатли органлар томонидан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қорақалпоғистон Республикасининг олий қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини кенг қамровли илмий тадқиқ қилиш натижаларини қўллаш орқали «Давлат ва ҳуқуқ тарихи», «Конституциявий ҳуқуқ», «Маъмурий ҳуқуқ», «Парламент ҳуқуқи» фанларини назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бевосита мазкур диссертация иши бўйича олинган хулосалар, таклифлар ва тавсиялар Қорақалпоғистон Республикасининг олий қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, Жўқорғи Кенгес билан Вазирлар Кенгаши ўзаро ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини соддалаштириш, бу борада соҳавий қонунчиликни такомиллаштиришда яққол намоён бўлади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қорақалпоғистон Республикаси қонун чиқарувчи ва ижро олий органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ қилиш хулосалари асосида:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси билан Вазирлар Кенгашининг қонунчилик жараёнида ўзаро ички ҳамкорлигини ўрнатиш, уларнинг ваколатларини амалга оширишнинг соддалаштирилган тартиб-таомилларини жорий қилиш тўғрисидаги таклифи «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тўғрисида»ги Қонуннинг 5- ва 6-моддаларига киритилган қўшимчаларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеснинг Қонунийлик, суд-ҳуқуқ масалалари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари кўмитасининг 2016 йил 6 сентябрдаги 03-206-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар Қорақалпоғистон Республикасининг олий қонун чиқарувчи ва

ижро органи ўртасидаги муносабатларнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини Жўқорғи Кенгес билан Вазирлар Кенгаши ўзаро ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини соддалаштириш нуктаи назаридан такомиллаштиришга хизмат қилган;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши ўзаро муносабатларини самарали ташкил этиш мақсадида парламент назорати шакллари билан белгилаш таклифидан Қорақалпоғистон Республикасининг «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддасига киритилган қўшимчаларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Қонунчилик, суд-ҳуқуқ масалалари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари кўмитасининг 2018 йил 30 августдаги 03-746-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф ижро ҳокимияти органларининг фаолияти устидан Жўқорғи Кенгес ва унинг органлари назоратини кўчайтиришга хизмат қилган.

Жўқорғи Кенгес томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳокимлар ҳисоботини эшитиш таклифидан Қорақалпоғистон Республикасининг «Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Регламенти тўғрисида»ги Қонунига киритилган 61<sup>1</sup>-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Қонунчилик, суд-ҳуқуқ масалалари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари кўмитасининг 2018 йил 30 августдаги 03-746-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф ижро ҳокимияти органларининг фаолияти устидан Жўқорғи Кенгес ва унинг органлари назоратини кўчайтиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг «Ҳуқуқшунослик» кафедрасида, шунингдек, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференция ва давра суҳбатларида синовдан ўтказилди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Илмий тадқиқот мавзусида 15 та илмий нашрлар, шу жумладан, 6 та мақола (Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган журналларда 5 та мақола), хорижий журналда 1 та мақола, 5 та тезис (2 та республика ва 3 та халқаро конференцияларда), 1 та монография, 2 та ўқув қўлланма чоп этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, 9 та параграфни ўз ичига олувчи 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 153 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги асослантилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси очиқ берилган, унинг асосий мақсад ва вазифалари, методологик асослари, илмий янгилиги, шунингдек, амалий аҳамияти белгиланган.

**«Қорақалпоғистон Республикаси қонун чиқарувчи ва ижро органлари вазифа ва фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий асослари»** деб

номланувчи биринчи боб учта параграфни ўз ичига олади. “Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми” номли биринчи параграф Қорақалпоғистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи – Жўқорғи Кенгесни ташкил этиш ва унинг фаолиятига бағишланган.

Қорақалпоғистоннинг давлат ҳокимияти органлари тизими Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияларида кўрсатилган давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларини ташкил этишнинг асосий принциплари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг конституциявий тузилишига мувофиқ мустақил белгиланади.

Давлат ҳокимиятининг бирлиги билан бир қаторда, икки республиканинг конституцияларида ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органларига бўлиниш принципи, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти органлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг давлат ҳокимияти органлари ўртасида ваколатлар ва вазифалардаги фарқлар мустаҳкамланган.

Давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишини уларнинг бир-биридан ажралган ҳолда фаолият кўрсатади, деб қарамаслик лозим. Ушбу принципнинг моҳияти ва унинг бўлиниши ваколатларнинг мувозанатини таъминлаш, ваколатларнинг ҳаммаси ёки катта қисми давлат ҳокимиятининг бир органида ёки мансабдор шахсда тўпланишини бартараф қилишга қаратилган.

Шу боис, бу принцип ҳокимиятларнинг қарама-қаршилигини эмас, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлари ҳамкорлиги ва ўзаро фаолиятини ифодалайди.

«Қорақалпоғистон Республикаси – суверен давлат». Бундай юридик таъриф унинг тарихий ривожланишида биринчи марта 1978 йилги Асосий қонуннинг 1-моддаси, 1991 йил 26 июндаги таҳририда мустаҳкамланган эди<sup>1</sup>. Бу билан Собик автоном совет социалистик республиканинг конституциявий мақоми мустаҳкамлаш ҳақидаги юридик факт ўз ифодасини топган, унинг Давлат суверенитети тўғрисидаги декларацияга содиқлиги белгиланган<sup>2</sup>.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси конституциявий-ҳуқуқий мақомининг ўзига хослиги унинг алоҳида ваколатига кирувчи масалаларнинг сессияларда кўрилиши, унинг ташкилий шакли Жўқорғи Кенгес Президиуми ва Раиси фаолиятида намоён бўлади. Жўқорғи Кенгес Раиси олий қонун чиқарувчи органи бошқаради ва республика раҳбари ҳисобланади.

1993 йилги Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Президиуми унинг доимий фаолият юритувчи органи ҳисобланади, Конституцияда белгиланган тартибда республика давлат ҳокимияти олий органи сифатида унинг сессиялари оралиғида фаолият юритади ва ўзининг барча фаолияти бўйича унга ҳисобдордир.

<sup>1</sup> Советская Каракалпакия, 3 июля 1991 г.

<sup>2</sup> Советская Каракалпакия, 20 декабря 1990 г.

Юқорида келтирилган конституциявий норманинг мазмуни шуни англатадики, Президиум фаолияти Жўқорғи Кенгес функцияларини амалга оширишда фақат қатнашиш билан яқунланмайди. У Конституция ва республика қонунларида белгиланган бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади. Жўқорғи Кенгес Президиуми сессиялар даврида ва сессиялар оралиғи даврида давлат ҳокимиятининг олий органи фаолиятини ташкилий таъминлаш бўйича ишларни бажаради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Жўқорғи Кенгес Президиуми қайси масалани ҳал қилмасин, у ўзининг бутун фаолияти бўйича уни сайлаган Жўқорғи Кенгес олдида ҳисобдордир.

Қўмиталар ва комиссиялар – иш юритишнинг муҳим ташкилий-ҳуқуқий шаклларида биридир, уларнинг ёрдамида республика қонун чиқарувчи олий органининг кундалик вазифалари, Жўқорғи Кенгес функцияларини амалга оширишда депутатлар иштироки таъминланади.

Таъкидлаш ўринлики, 2016 йил 10 июндаги Жўқорғи Кенгеснинг учинчи чақириқ тўққизинчи сессиясида янги таҳрирда қабул қилинган «Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси регламенти тўғрисида»ги қонунда биринчи марта қўмита ва комиссияларнинг номланиш рўйхати мустаҳкамланди<sup>1</sup>.

Э.Х.Халилов ўзининг Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи олий органининг ташкил этилиши ва ривожланиши масалаларига бағишланган илмий ишида шунга эътибор қаратадики, агар Олий Мажлис қўмита ва комиссияларининг умумий ваколатлари у тўғрисидаги Низомда белгиланса, унинг махсус ваколатлари қонуний турда белгиланмаган<sup>2</sup>.

Ўхшаш амалиёт Қорақалпоғистон Республикасида ҳам мавжуд. Бугунги кунда қўмита ва комиссияларнинг ҳуқуқий мақоми икки қонун билан тартибга солинган: 2016 йил 21 сентябрда Жўқорғи Кенгеснинг ўнинчи сессиясида янги таҳрирда қабул қилинган Қорақалпоғистон Республикасининг «Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси тўғрисида»ги Қонун<sup>3</sup> ва 2016 йил 10 июндаги Жўқорғи Кенгеснинг учинчи чақириқ тўққизинчи сессиясида янги таҳрирда қабул қилинган «Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси регламенти тўғрисида»ги Қонун<sup>4</sup>. Улар фақат умумий тартибда қўмита ва комиссияларнинг мақомини белгилайди. Илгари қўлланилган 1998 йил 29 январдаги Қорақалпоғистон Республикасининг «Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қўмита ва комиссиялари тўғрисида»ги Қонуни 2016 йил 21 сентябрдаги Жўқорғи Кенгес Қарори билан ўз кучини йўқотди<sup>5</sup>. Фикримизча, республика қонун

<sup>1</sup> «Қарақалпақстан Республикаси Жоқарғы Кеңеси Регламенти ҳаққинда»ғы Нызам. // Қарақалпақстан Республикаси Жоқарғы Кеңесиниң Хабарнамасы, 2016 жыл, №3, 192 ст.

<sup>2</sup> Халилов Э.Х. Становление и развитие высшего законодательного органа государственной власти Республики Узбекистан. – Автореф. дисс. ... докт. юрид. наук. –Т:2000.- 27с.

<sup>3</sup> «Қарақалпақстан Республикаси Жоқарғы Кеңеси ҳаққинда»ғы Нызам. // Қарақалпақстан Республикаси Жоқарғы Кеңесиниң Хабарнамасы, 2016 жыл, №3, 203 ст.

<sup>4</sup> «Қарақалпақстан Республикаси Жоқарғы Кеңеси Регламенти ҳаққинда»ғы Нызам. // Қарақалпақстан Республикаси Жоқарғы Кеңесиниң Хабарнамасы, 2016 жыл, №3, 192 ст.

<sup>5</sup> Қарақалпақстан Республикаси Жоқарғы Кеңесиниң Хабарнамасы, 2016 жыл, №3, 202 ст.

чиқарувчи олий органнинг қўмита ва комиссиялари ҳақида алоҳида норматив ҳужжат қабул қилиниши лозим, унда қўмита ва комиссияларнинг рўйхати, уларнинг фаолият кўрсатиши, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ишини ташкиллаштириш масалалари ва улар томонидан қабул қилинадиган ҳужжатларнинг шакллари кўрсатилиши керак.

Иккинчи параграфда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг конституциявий мақоми мустаҳкамланган. Ҳозирги кунда Жўқорғи Кенгес Раисининг мақоми 1993 йил 9 апрелда қабул қилинган Конституция билан белгиланади<sup>1</sup>. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси республиканинг олий мансабдор шахси ҳисобланади ва Жўқорғи Кенгес депутатлари орасидан яширин овоз бериш йўли билан ваколат муддатига сайланади.

1997 йил 15 декабрь куни қабул қилинган «Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун билан республика Жўқорғи Кенгеси Раиси ҳуқуқий мақомига муҳим ўзгартириш киритилди<sup>2</sup>. Жўқорғи Кенгес фаолиятида коллегиял меъёрларнинг кучайтирилиши билан боғлиқ равишда Жўқорғи Кенгес Раисига бағишланган Конституциянинг 81-моддаси янги таҳрирда баён қилинди. Унга ҳокимиятнинг олий қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлари ўзаро фаолиятини таъминлаш бўйича муҳим ваколоти юклатилди.

2014 йил 27 июндаги Қорақалпоғистон Республикаси Қонуни билан Конституциясининг 80-моддасига Жўқорғи Кенгес Раиси ҳуқуқий мақомига муҳим ўзгартириш киритишга қаратилган қўшимчалар киритилди<sup>3</sup>. Амалдаги таҳрирга кўра, Жўқорғи Кенгес Раиси Қорақалпоғистон Республикаси раҳбари ва энг юқори лавозимли шахсдир. У Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг розилиги билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг депутатлари орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ваколоти муддатига сайланади. Шунга кўра, Жўқорғи Кенгес Раиси республика қонун чиқарувчи олий органини бошқаради, Қорақалпоғистон Республикаси Раҳбари ва энг юқори лавозимли шахсидир.

Жўқорғи Кенгес Раиси ҳуқуқий мақомини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили шуни кўрсатадики, Конституцияда белгиланган унинг асосий ваколатлари республика Раҳбари эмас, балки республиканинг қонун чиқарувчи олий органи раиси мақомини акс эттиради. Бу унинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш бўйича бир қатор таклифларни киритиш имконини беради: биринчидан, унинг ваколатларига Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистоннинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан муносабатларда Жўқорғи Кенгес Раиси Қорақалпоғистон Республикаси номидан вакиллик қилиши ҳақида қоида киритиш лозим; иккинчидан, унга республиканинг ижтимоий-иқтисодий

<sup>1</sup> Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси. – Нукус: Қарақалпақстан, 2014.

<sup>2</sup> Еркин Қарақалпақстан, 1997 жыл, 17 декабрь.

<sup>3</sup> Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси. – Нукус: Қарақалпақстан, 2014. – С. 95-96.

ривожланиши билан боғлиқ муҳим масалаларни кўриб чиқишда Қорақалпоғистон Республикаси Хукумати мажлисларида раислик қилиш ҳуқуқини бериш керак; учинчидан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессияларини чақиришни талаб қилиш ҳуқуқини бериш лозим; тўртинчидан, “вето” ҳуқуқини бериш таклиф этилади. Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциясига ушбу нормаларни киритиш нафақат республиканинг қонун чиқарувчи олий органи Раиси сифатидаги мақомини тўлиқ белгилашга, балки Қорақалпоғистон Республикаси Раҳбари эканлигини аниқлашга хизмат қилади.

**«Республиканинг давлат ҳокимияти органлари тизимида Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши»** деб номланган учинчи параграфда республиканинг давлат органлари тизимида ҳукуматнинг ўрни ва роли очиқ берилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармонида давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш соҳасида ижро этувчи ҳокимият органлари вазифа ва тузилмасини қайта кўриб чиқиш лозимлиги кўрсатилган<sup>1</sup>. Гап ижро ҳокимияти органлари, жумладан марказий давлат органларининг ҳуқуқий мақоми; уларнинг турлари (вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар, инспекциялар ва бошқалар), вазифа ва функциялари мезонларини тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳақида кетмоқда.

Ушбу масалаларни Қорақалпоғистон Республикаси ижро ҳокимияти органларининг ҳуқуқий мақомини тадқиқ қилган Е.Д.Кутыбаева кўтарган<sup>2</sup>. У таъкидлашича, Қорақалпоғистон Республикаси қонунчилиги билан республика ҳукумати аъзолари бўлган вазирлик ва давлат қўмиталарининг ҳуқуқий мақомидаги фарқлар белгиланмаган ва у Қорақалпоғистон Республикасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ижро ҳокимиятининг марказий органлари тўғрисида» қонун қабул қилишни таклиф қилган<sup>3</sup>.

Масалан, 2005 йил 6 апрелда Татаристон Республикасида қабул қилинган «Татаристон Республикасининг давлат ҳокимиятининг ижро органлари тўғрисида»ги Қонунда барча ижро органларининг, хусусан, республика ҳукуматининг ҳуқуқий мақоми тартибга солинган ва энг асосийси, «вазирлик», «давлат қўмитаси», «идора» тушунчаларига таъриф берилган.

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 г., № 06/18/5308/0610; 25.05.2018 г., - № 0618/5447/1269.

<sup>2</sup> Кутыбаева Е.Д. Органы исполнительной власти Республики Каракалпакстан. – Нукус: Каракалпакстан, 2002. – С.14-15.

<sup>3</sup> Кутыбаева Е.Д. Органы исполнительной власти Республики Каракалпакстан. – Нукус: Каракалпакстан, 2002. – С.16.

Фикримизча, Қорақалпоғистон Республикасининг марказий ижро ҳокимияти органлари тўғрисида махсус норматив ҳужжат қабул қилиниши керак.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Жўқорғи Кенгес билан Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати ўртасидаги ўзаро фаолият кўрсатишнинг асосий йўналишлари**» деб номланади. «Ҳокимият бўлиниш принципи ҳокимият органларининг фаолият кўрсатиши ва ҳамкорлигининг сиёсий-ҳуқуқий асоси, бундай ҳамкорликни тартибга солиш ва соддалаштиришнинг ўзига хос механизми ҳисобланади. Ҳокимият органлари ҳамкорлигининг самарали тизими давлатда сиёсий барқарорликнинг ва давлат бошқаруви аниқ тизими мавжудлигининг гарови бўлиб хизмат қилади»<sup>1</sup>.

Ҳокимиятнинг олий органлари ҳамкориликнинг асосий мақсади – демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ифодалашдан иборат бўлиши лозим. Ҳамкорлик республиканинг ижтимоий ва иқтисодий жараёнларини самарали бошқариш бўйича қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти органлари позициясини мувофиқлаштиришга хизмат қилади, энг мақбул ва самарали қарор қабул қилишга олиб келади.

Илмий адабиётларда давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлари ҳамкорлигининг бир қатор принциплари келтирилади. Масалан, А.Н.Чертков қарорлар қабул қилишда ва фаолиятни амалга оширишда қонунийлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч, ошкоралик, келишилган қарорларга таяниб низоли масалаларни ҳал қилиш, тегишли судларда қабул қилинган қарорларни ҳимоя қилиш каби принципларни кўрсатади<sup>2</sup>.

А.Н.Чертковнинг фикрига қўшилган ҳолда Конституция ва республиканинг қонунларида давлат ҳокимиятининг ҳар бир органига берилган ваколатларни бажаришда риоя қилинадиган принципни киритишни зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ҳокимият органларининг ҳамкорлиги моҳиятини ифодаловчи муҳим масала бу – улар ўртасида пайдо бўлган келишмовчиликларни тартибга солиш жараёнида ўзаро ҳаракат ва ўзаро боғлиқлик муносабатлари ҳисобланади. Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 81-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, Жўқорғи Кенгес Раиси олий қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигини таъминлайди<sup>3</sup>. Бироқ республиканинг Асосий қонуни Республика Раҳбарига бу органлар ўртасида вужудга келадиган келишмовчиликларни ҳал қилиш бўйича аниқ ваколат бермаган. Фикримизча, Республика раҳбарига Жўқорғи Кенгес олдида Вазирлар Кенгашига ишончсизлик билдириш масаласини қуйиш ҳуқуқини бериш лозим.

<sup>1</sup> Мухамеджанов О., Тультеев И. Правовые аспекты взаимодействия Олий Мажлиси и Кабинета Министров в Республике Узбекистан. – Ташкент: ТГЮУ, 2013.-С. 10-11.

<sup>2</sup> Чертков А.Н. Комментарий к Федеральному закону «Об общих принципах организации законодательных (представительных) и исполнительных органов государственной власти субъектов Российской Федерации» (постатейный).-М.: Юстицинформ, 2006.

<sup>3</sup> Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси. – Нукус: Карақалпақстан, 2014. – С.96.



Парламент ва ижро органлари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг шакли сифатида давлат ҳокимиятининг бош ижро органига, шунингдек ижро ҳокимияти органлари раҳбарларига ишончсизлик билдиришни таъкидлаш мумкин. Масалан, Татаристон Республикаси Давлат Кенгаши Татаристон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарларига ишончсизлик билдириши мумкин (Конституциянинг 75-моддаси)<sup>1</sup>. Доғистон Республикасида Доғистон Республикаси Ҳукуматига ишонч тўғрисидаги масала Халқ мажлисига қўйилади (Доғистон Республикаси Конституциясининг 81-моддаси)<sup>2</sup>. Алтай Республикасининг Эл Курултай – Давлат Мажлиси қонунда белгиланган тартибда ва ҳолларда Алтай Республикаси Раҳбарига ишончсизлик билдириш ҳуқуқига эга<sup>3</sup>.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси бундай нормаларни камраб олмайди. Қонун чиқарувчи органга республика ҳукумати раисига ишончсизлик билдириш, ижро ҳокимияти органлари мансабдор шахсларини истеъфога чиқариш ҳуқуқини мустаҳкамлаш лозим. Бу қоидалар, фикримизча, конституциявий даражада белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Таъкидлаш ўринлики, Жўқорғи Кенгес ваколатларини Жўқорғи Кенгес ва унинг Президиуми қарорларини бажариш, Жўқорғи Кенгес кўмиталарининг қарорлари, қонунларга риоя этилиши ҳақида давлат органлари, хўжалик бошқарув органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш билан тўлдириш лозим ва бу Жўқорғи Кенгеснинг назорат функциясини кучайтиради.

Ривожланган кўпчилик давлатларда, одатда, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъект ижро ҳокимияти ҳисобланади, у парламентга қонунчиликни ўзгартиришга қаратилган қонун лойиҳаларини киритади. Хорижий амалиёт яна шунга гувоҳлик берадики, қонун лойиҳаларининг асосий қисми парламентга ҳукумат томонидан тақдим этилади ва у ҳокимиятнинг бошқа субъектларига қараганда қонунчиликни ўзгартириш зарурати ва ўтказилаётган сиёсий жараёнлардан кўпроқ хабардор бўлади.

Хорижий давлатларнинг қонун чиқарувчи ва ижро органлари ҳамкорлигининг қонунчилиги ва амалиётини таҳлил қилган ҳолда «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тўғрисида»ги Қонунга қуйидаги қоидаларни киритиш таклиф этилади:

биринчидан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисига ҳукумат ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки уларни бекор қилиш ҳақида мурожат қилиш, шунингдек ушбу ҳужжатлар юзасидан суд тартибида шикоят қилиш ёки белгиланган тартибда ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида сўров билан Конституциявий назорат кўмитасига мурожаат қилиш ҳуқуқини бериш;

<sup>1</sup> Конституция Республики Татарстан. <http://docs.cntd.ru/document/917001793>

<sup>2</sup> Конституция Республики Дагестан. <http://roszakon.narod.ru/konst/dagestan/dagkonst1.htm>

<sup>3</sup> <http://docs.cntd.ru/document/412309722>

иккинчидан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига республиканинг қонун лойиҳалари ва қонун лойиҳалари режаларини юбориши;

учинчидан, Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи органининг мажлисларида ва унинг органларида ҳукумат аъзолари ёки ваколат берилган шахслар маслаҳат овози билан иштирок этиши;

тўртинчидан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши мажлисларида депутатларнинг қатнашиш ёки Жўқорғи Кенгес Раиси топшириғи билан Жўқорғи Кенгес аппарат ходимлари иштирок этиш ҳуқуқини бериш.

Адабиётларда парламентнинг назорат фаолиятини такомиллаштириш бўйича муҳим қизиқ ва эътиборга молик таклифлар мавжуд. Масалан, россиялик олим Ю.В.Плюта парламент назоратининг янги институти – Коррупцияга қарши курашиш бўйича Парламент Вакили институтини жорий этишни таклиф қилади<sup>1</sup>.

Коррупцияга қарши курашиш давлатимизнинг устувор вазифаси бўлган шароитда Коррупцияга қарши курашиш бўйича Парламент Вакили институтининг жорий этилиши коррупцияга қарши курашиш соҳасида парламент назоратинининг самарали воситасига айланар эди.

Диссертациянинг учинчи боби **«Қорақалпоғистон Республикаси Ҳукумати фаолиятини Жўқорғи Кенгес томонидан назорат қилишнинг назарий ва конституциявий-ҳуқуқий асослари»** деб номланиб, у ҳукумат фаолиятининг парламент томонидан назорат қилиниши, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасида парламент назоратининг ҳуқуқий табиати, мақсади ва асосий принципларига бағишланган. Алоҳида бобда хорижий давлатларда ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш масаласи ўрганилган.

Юридик фанларда ва сиёсий амалиётда парламентнинг асосий ва муҳим функцияларидан бири унинг назорат функциясидир, у ижтимоий ҳаётда парламентнинг ролини такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, ижтимоий муносабатларда унинг муҳимлиги, ушбу механизмнинг ўзига хос элементларини таҳлил қилиш заруратидан келиб чиқади.

